

**SCIENTIFIC IQQUA - SCIENTIFIC MUSIC**

**Rakhimov Botir**, majoring in art history  
 Doctor of Philosophy (PhD)  
 Urgench State University  
 Head of the Department of "Performance and Culture"

**Annotation;** The article discusses the concept of iqa, which is widely used in Uzbek music practice.

**Keywords:** weight, method, multiplication, curtain, iqa, status, rhythm, cause, vatad, space.

**ИЛМИ ИҶҚО — ИЛМИ МУСИҚИЙНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ**

**Рахимов Ботир**, санъатшунослик фанлари бўйича  
 фалсафа фанлари доктори (PhD)  
 Урганч давлат университети  
 “Ижрочилик ва маданият” кафедраси мудир

**Аннотация;** Мақолада Ўзбек мусиқа амалиётида кенг ишлатиладиган иқо тушунчалари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** вазн, усул, зарб, парда, иқо, мақом, ритм, сабаб, ватад, фосила.

Мақом ижрочилигида иккита асосий омил мавжуд. Буларнинг бири парда иккинчиси иқо ҳисобланади. Иқо бу арабча илмий сўз. Бунинг ўзбекча бошқа тушунчалари ҳам бор. Ўзбек мусиқа амалиётида вазн, усул, зарб ёки бутун дунёда қўлланиладиган қадим юнонча сўз ритм дейилади. Ритм ниҳоятда кенг тушунча. Аммо лекин мусиқада ритм деганда товушни давомати вақтини тушунамиз. Ритм деган сўз Юнончада оқим дегани. Иқо ибораси Шарқ мусиқасида ҳам оқим дегани билдиради. Оқим қадим Юнон мусиқа назариясида шаклланган илимий тушунча. Бундай тушунча Вовелонияда, Мисрда, Хитой халқларида ҳам бўлган лекин уларда бу иборалар бошқача сўзлар билан юритилган. Юнонда бўлган тушунча ва иборалар бизга кириб келган.

Ритм, Иқо, Вазн, Усул, Зарб бир нарсани турли қирраларидан олинган. Қадим Юнонларда биринчи мусиқа китобини яратган буюк Арестотелни шогирди Арситаксен. Арситаксеннинг мусиқага тегишли иккита китоби сақланган. Хозир ҳам бу манбалар бутун дунёда ўрганилади. Биринчи китоби “Гармония” дейилади. Унда товуш ва пардаларни мутоносиблиги тушунилади. Бу тушунча Шарқ мусиқий амалиётида илмий таълиф дейилган. Таълиф деган сўзни Овропага таржима қиладиган бўлсак композиция дегани билдиради. Композиция товушлар ва пардаларни, оҳанглари қандай изма-из жойлашгани. Иқо вазн анашу товушлар орасидаги вақт, қандай масофода ўтишини ифодалайдиган тушунча.

Иккинчи китоб илми иқо дейилади. Фаробий, Ибн Сино, Хоразмий асарларида ҳам товушлар орасидаги вақтни, қандай масофода ўтиши иқо деб номланган. Аристоксенда бундай тушинча “Ритм” деб номланган. Буларни бир тартиб билан тушуниш учун қадимийларни бир устувор қонуниятларини этиборга олишимиз керак. Бу бутун ва бўлак муносабатлари. Ҳар бир нарсани бўлаклардан таркиб топади. Бир бутунга яна бир бутун қўшилиб каттароқ бутун пайдо бўлади. Мусиқада бир давомат бўладиган нарсани бутун деб олиб уни бўлакларга бўламиз. Мисол учун: хозирги замонавий нота ёзувида бутун нота деган тушунча бор. Бу шартли равишда олинган бутун нота. Уни ярими, чораки, саккиздан бир бўлаги (нимчораки), ўн олтидан бир бўлаги, ўттиз иккитадан бир бўлаги бўлиб майдалашиб кетаверади. Фарб мусиқасида энг кўп ишлатиладигани ўнолтидан биргача боради. Ўзбек мусиқасида энг кўп ишлатиладигани, сархисоб этиладигани ўша бешинчи бўлими (ўттиз иккита) гача боради. Буларни қоида ва низомларини биз хали ўрганиб бир томонга чиқмаганмиз.

Икки ниқрани бирлашмаси ва уларни орасида ўтадиган вақт бўғим, бўлак дейилади. Ниқра бу зарб. Зарбларнинг қўшилмасидан усул келиб чиқади. Ниқра бу биринчи туртки. Буни қадим юнонлар хронос- протос деган. Хронос бу вақт дегани. Протос уни ўлчами давоми, бирламчи вақти. Бу илмий назарий тушунча. Ниқралар қандай бўлакларга бўлинишини тушиниш учун зарбни номларини билиш керак. Зарбни ўтмиш рисоаларида “Сабаб”, “Ватад”, ”Фосила” деб номланганлар. “Сабаб” бирни-бирга бўлиниши, “Ватад” бирни иккига бўлингани, “Хосила” бир билан иккини қўшилгани. Буни усул дойра чаладиганлар тилида “бум”, “бак” дейилади. “Бум”, “бак” бу сабаб. Биринчисини оғир “Сабаб”, иккинчиси кучсизроқ “Сабаб” дейилади. Сабабни ўзи “Сақил” ва “Хафифга” бўлинади. Сақил оғир дегани “бум”, хафиф битта бумни бўлингани худди шу битта бумга тўғри келадиганни бак дейилади. Шуни икки бўлакга бўлса бум бум деб айтиш нокулай, бака дейилади. Асли ўзи бутун олганимиз бум бўлади. Шуни иккига бўлганимиз бака бўлади. Бўлингани бу ватад бўлади. Фосиласи шуни қўшилганлари. Маслан бака, бакко(бир бутун ва уни ярими қўшилгани). Бакко, бир ярим. Нота ёзувида у белгиланади. “Сабаб”, “Ватад”, ”Фосила”ларни ўзларини номлари бор. “Ватад” ҳам икки хил, “Фосила” ҳам икки хил бўлади. Бири қўшилган “Ватад”, иккинчиси ажратилган “Ватад”. “Ватади” мажму, “Ватади” махруқ дейилади. Кичкина “Фосила” катта “Фосила” дейилади. Буларни ҳаммаси илмий назарий тушунчалар. Буни тушуниш учун амалда ишлатиш учун уларни мисолларда, амалда кўришимиз керак. Буларни бирданига тушуниш қийин. Буларни тушуниш учун шеъриятга киёс қилиб ўрганиш керак. Чунки шеръиятда биз сўзни бўғинларга бўлиниши, бўғинлардан зарблар келади. Зарблар шеъриятда рукн дейилади. Рукнлар тузилиши ва унинг бир бутун формуласи усули келиб чиқишини тушиниш мумкин. Бум билан бакни мураккаблашган хиллари пайдо бўлаверади. Бакко бум биттаси бир ярим бир бўлди. Ёки бўлмаса бум бак. Буми қисқа баки узунроқ. Шуни сўзга боғлаб, сўз бўғинлари мисолида уни бўлаклари мисолида тушунсак янада қулай бўлади.

Мақомлар ичида усуллар иккита хилга бўлинади. Кичик усул ва катта усул дейилади. Кичик усул дегани зарблар доирасидаги усул. Катта усул зарблардан таркиб топадиган усул бўлади. Катта усул доирасидагилар асосан ашулла йўлларига хос. Мақомларни Сарахбор, Талқин, Чапандоз, Талқинча, Наср, Уфор номлари билан бўлиниб боради. Бу ҳаммаси усулларни номлари. Кичик усуллар асосан чолғу йўлларига хос. Мисол учун Сароҳборларда Бум,бак. Чолғу қисмларини мураккаб усуллари бор. Буларга Мухаммас, Мурабба, Мусаддас, Мусабба, Се усул, Сақил, Хафиф усуллари киради. Бу усулларни ҳар бири икки ёки учта зарбдан таркиб топади. Икки ёки учдан ортик зарб бўлса бу мураккаб усул бўлади. Ичида бир зарб айланиб келса бу оддий усул бўлади. Шунга мувофиқ ашулла йўлларида (Сарахборларнинг биринчи қисмларида) одатга кирган ўнтўрт бўғимли ғазаллар ўқилади.

Чапандоз, Талқинларда ўн беш бўғинлик ундан кейинги марказий қисмларда ўн олти бўғимликлардан тузилади. Буларнинг ҳам шеърий ҳамда мусикий номлари бор. Сарахборлар мақомни бошланиши, жуда улуғвор одатда Оллаҳнинг шанига айтиладиган сўзлар бўлиши керак. Хоразмда Рост мақомининг биринчи қисмида Муниснинг манашундай ғазали ўқилади

Ё вожиб ал-вужуд лакал ҳамду вас-сано,

Оинаи вужудинга йўк жавхори фано.

Ушбу ғазалда биринчи мисра бошдан охиригача Араб тилида айтилган. Иккинчиси ўзбек тилида айтилган. Буни сабаби нимада. Бу одат Қурон тили Араб тили. Илимли одамлар одатга кўра шундан бошлайди. Анашундай айтиладиганлар ўнтўрт бўғимга мос келган. Усули зарбул қадимга мос келади. Бум, бак, бум, бак. Шуни бошқа хиллари ҳам бор. Ўзбек тилидаги Навоийни куйидаги ғазали

Холу хатинг хаёлидин, эй, сарви гулузор,

Гоҳо кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.

Тани мақоми Сегоҳга ўқилган бу ғазалда Арабча ибора йўқ. Усули Тани мақоми Ростдагидай зарбул қадимда эмас. Бу кўринишдаги вазнлари бир-бирига мосланган усул ним тасниф дейилади. Бумбак, бумбак. Қисқа чўзик.

Демак Сарахборларда (Тани мақомларда) ўнтўрт бўғимли ғазаллар айтилади. Уларни сони ниҳоятда кўп. Мақомларда энг кўп ишлатиладиган ғазаллар ўнбеш ва ўнolti бўғимлик. Ўнбеш бўғимлик шеър хажоҳ дейилади. Хажоҳи, мусаммали, мақруб дейилади. Хажаз бошда тўрт бўғин, кейин яна тўрт бўғин, кейинги иккита тўртликни охири қирқилган бўлади. Шунинг учун мақруб дейилади.

Кўнглим ўртансин агар ғайрига парво айласа,  
Ҳар кўнгил ҳам ким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Алишер Навойнинг ўн беш бўғимлик ушбу ғазалига куйидаги усул тўғри келади.

Бумбум бака бумбум бак

Ўн олти бўғимлик бу ғазал рамал дейилади. Шеъри рамал рукнидан олиниб мукамал қилиб ўнолти бўғимли қилинади. Чунки тўрт саккиз, саккизни иккимарта оширилгани ўнолти бўлади. Номига этибор берадиган бўлсак олдингиси Хажаз, мусаммали, макруб эди. Бу ерда рамали мусаммали толим дейилади. Олдингида қирқилган бўлса бу ерда тўлиқ дейилади.

Тун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб.

Усули олти чораклик, ракабум бак бака бум бум усули. Асли тўрт чорак икки чораклик усули. Ашулани ижро этишда ҳофизлар шеърни бўғимларини бир рукундан иккинчи рукунга ўтказиш (усулга мос келиши учун) йўли билан ижро этишган.

Тун оқшом кел// дикулбам со// риулгул рух// шитоб айлаб.

Хироми су//ръатидин гул// уза хўйдин// гулоб айлаб.

Арузга қараб ўқилса бундай ўқилмайди, лекин созандалар Аруз қоидаларига қарамасдан (шеърини нуқтаий назардан эмас), эшитилиш вазнга тушиш мосланишни ҳисобга олган ҳолда ижро этганлар.

Ғазални асосий матнида Дикулбам деган сўз йўқ лекин мусиқий вазнга тўғри келиши учун сўз матнига “Ди” қўшимча қилинган.

Иқо ва шеърят қоидаларини яхши билган устозлар бир мусиқий матнга бир қанча ғазалларни қўйиб ўқишган. Ўзбекистон халқ ҳофизини Рўздат Жуманиёзовдан шогирдлари уста кеча тинглаганимизда Хоразм Насруллойсига Мунис ғазалини ўқиган эдингиз, бугун Огаҳий ғазали билан ўқидингиз деб савол беришган экан. Шунда устоз мен Насруллоига тўрт, беш шоирни ғазалини ўқийман. Ҳожихон уста Насруллоига ўндан ортиқ ғазални қўйиб ижро қилганини эшитганман деб жавоб берган экан.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матёкубов О. Мақомот. – Тошкент: Мусиқа, 2004.
2. Ражабий Ю. Музика меросимизга бир назар. – Т., 1978.
3. Ражабов И. Мақом асослари. – Т., 1992.
4. Ражабов И. Мақомлар. – Т., 2006.
5. Юнусов Р. Мақамы и мугамы – Т., 1991.